Шу билан бирга, **1481 та** тадбиркорлик субъектларига **амалий ёрдам** кўрсатилди:

Жумладан, **752 та** корхона **стандарт** ва **техник регламентлар** билан таъминланди. **463 та** корхонанинг ўлчаш воситалари **метрологик** қиёслаш кўригидан ўтказилди. **266 та** корхонада **сертификатлаштириш** ишлари олиб борилди.

Озиқ-овқат **656 та**, енгил саноат **169 та**, қурилиш **215 та**, кимё саноати **49 та**, машинасозлик **48 та**, электротехника **21 та**, чармсаноат **12 та**, нефт ва газ саноати **121 та**, мева сабзавот **12 та** ва бошқалар **178 та**.

10. Ҳисобот даврида **83 та** корхонада (ишлаб чиқариш ва савдо) **405 та** маҳсулотлар юзасидан **давлат назорати** ўтказилди.

405 та маҳсулотдан **304 таси** (**75 фоиз**) **22 млрд сўм**лик маҳсулотлар амалдаги техник регламент ва стандартларга **номувофиқлиги** аниқланди.

Шундан, **31 турдаги 9,5 млрд сўм** (**43 фоиз**) металл, **15 турдаги 5,1 млрд сўм** (**23 фоиз**) электротехника, **131 турдаги 2,4 млрд сўм** (**11 фоиз**) енгил саноат, **96 турдаги 2,5 млрд сўм** (**11 фоиз**) озиқ-овқат, **16 турдаги 0,7 млрд сўм** (**3 фоиз**) қурилиш материаллари, **12 турдаги 1,8 млрд сўм** (**8 фоиз**) машинасозлик, **3 турдаги 0,13 млрд сўм** (**0,6 фоиз**) кимё саноати маҳсулотлари.

83 та корхоналарда **48 та** ҳолатда (**58 фоиз**) **697 та** метрология қоидалари бузилган, **25 та** ҳолатда (**30 фоиз**) синов назорат тизими мавжуд эмас ва **7 та** ҳолатда (**8,5 фоиз**) **3,4 млрд. сўм** маҳсулот **сертификатсиз** реализация қилинган.

Давлат назорати натижасида номувофиқ маҳсулотларни реализация қилинишига **50 та** ҳолатда **тақиқланган** (**205 та импорт ва 83 та** маҳаллий маҳсулотларга) ва корхоналарнинг **76 та** мансабдор шахсларига нисбатан **маъмурий жарима** қўлланилган.

5,2 млрд долл импортдан **3,9 млрд долл** савдо мақсадида олиб келинган товарлар таҳлили қилинди, шундан **2,7 млрд.** долл. қийматидаги импорт маҳсулотлар техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги хужжатларга мувофиқлигини тасдиқлаш лозимлиги аниқланди.

7 та грух маҳсулотлари импорти таҳлили натижасида истеъмол учун олиб келинган маҳсулотлардан **15 та** йўналиш давлат назоратини ўтказиш учун танлаб олинди.

Давлат назоратига 2022 йил I-чоракда **475 та** йирик импортёрлардан **49 тасида** (**14 та озиқ-овқат, 6 та енгил саноат, 9 та** металл, **5 та** машинасозлик, **9 та** электротехника,

5 та қурилиш, **1 та** кимё саноати) ўтказилиши Бизнес-омбудсман билан келишилди.

49 импортёрда давлат назорати ўтказилди ва қуйидаги **номувофиқликлар** аниқланди:

49 та импортёрдан 40 тасида қоидабузарликлар аниқланди (**82 фоиз**) (давлат тилида ёрликлаш, маркировка, саклаш)

Омборлардаги **205 тур 20,7 млрд.сўмлик (600 минг дона ва 926 минг кг, 57 минг литр)** озиқ-овқат, металл, текстиль, машинасозлик маҳсулотлари намуналари техник регламент ва стандартларга **номувофиқлиги** аниқланди.

Мисол учун: “Sino Hisen Steel” МЧЖ томонидан Хитойдан олиб келинган **60200 кг (701 млн сўм)** лист маҳсулотлари;

“Aziyapromstayl” МЧЖ томонидан Хитойдан олиб келинган **256468 кг (1,9 млрд.сўм)** лист маҳсулотлари;

“Ritz Unique INC” МЧЖ томонидан Россия, Белоруссия ва Украинадан олиб келинган **6521 дона (88,4 млн сўм)** озиқ-овқат маҳсулотлари амалдаги техник регламент ва стандарт талабларига **номувофиқлиги** аниқланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 ноябрдаги 04/1-2591-сон топшириғига мувофиқ амалдаги техник регламентлар ва стандартларга **номувофиқ** бўлган **импорт маҳсулотларни** республикага киритилишини **чеклаш** юзасидан Божхона қўмитаси билан хамкорликда қатъий чоралар кўрилди.

Давлат ташкилотларида ўтказилган давлат назорати тадбирлари.

Хавф-таҳлили асосида ахборот дастурларидан олинган маълумотларга мувофиқ худудлардаги **4 та** туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда **1 та** туман санитария эпидемиология осоишталик ва жамоат саломатлик бўлимида ўлчаш воситаларининг метрологик қиёслов кўригидан ўтказилганлиги бўйича давлат назорати ўтказилди.

Натижада, текширилган жами **1624 та** ўлчаш ва синов воситаларидан **1533 таси (94,4 фоиз)** метрологик қиёслов кўригидан ўтказилмаганлик ҳолати аниқланди ҳамда ушбу ўлчаш воситаларидан фойдаланишни **тақиқлаш** бўйича кўрсатма берилди.

11. **Ж.Корея** Республикаси технология ва стандартлаштириш агентлигининг **2,3 млн долл гранти** ғолиби бўлди (*Индонезия,*

Вьетнам, Лаос давлатлари иштирок этди) ва “Хаво кондиционери” маҳсулотининг энергия самарадорлигини баҳолаш бўйича **лаборатория** ташкил этишга замин яратилди.

12. 4 та синов лаборатория (машинасозлик, енгил саноат, металл, мойлаш материаллари) халқаро аккредитациядан ўтказилди.

13. Жанубий Кореяning ODA дастури асосида умумий қиймати **10 млн долл** грант маблағлари ҳисобидан “Ўзбекистон учун экологик тоза (сиқилган табиий газ асосида) қишлоқ хўжалиги техникаси платформасини яратиш” лойиҳасини жалб қилиш ишлари бошланди.

14. Сифат менежмент тизимлари **260 та** корхонада жорий этилди, жумладан ИСО 9001 - **78 та**, ИСО 14001 - **59 та**, ИСО 22000 - **19 та**, ИСО 45001 - **57 та**, ИСО 50001 - **1 та**. Шунингдек, енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи **6 та** корхонада “**ОЕКО-ТЕХ**” халқаро стандарт талаблари асосида маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

15. Наманган вилояти “**Юксалиш**” кичик саноат зonasида лаборатория комплексини қуриш учун Наманган вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси”га **14,9 млрд сўм** ўтказиб берилди ва тендер эълон қилинди.

III. 2022 йил 2-чорак, шу жумладан апрель ойи ва йил якунига қадар асосий вазифалар

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган асосий вазифалар

5-мақсад. *Ихчам, профессионал, адолатли, юқори натижадорликка хизмат қиласиган давлат бошқаруви тизимини жорий қилиш.*

18-банд. Вазирлик ва идораларда иш юритиш ва маъмурий бошқарув жараёнлари сифатини такомиллаштириш.

Бунинг учун, вазирлик ва идоралар фаолиятига сифат менежменти тизимининг халқаро стандарти (**ISO 9001**) жорий қилинади.

Ушбу тизимни 2022 йилнинг якунига қадар вазирлик ва идораларнинг **30 фоизи**да жорий қилинади.

Бунда,

2022 йил февралда тегишли вазирлик ва идораларнинг рўйхати шакллантирилади ҳамда уларда **ISO 9001** халқаро стандартини жорий этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режа лойихаси ишлаб чиқилади;

2022 йил декабрга қадар амалга оширилган ишлар юзасидан таҳлилий маълумотлар Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

28-мақсад: *Республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 млрд АҚШ долларига етказиш.*

120-банд. Ташқи бозор ва халқаро талабларга жавоб берадиган стандартларни жорий этиш ва машҳур брендларни жалб қилиш.

1. **Текстиль** соҳа корхоналари фаолиятига “**Оэко-текс**”, “**Седекс**”, “**БиЭсСиАй**”, “**ГОТС**”, “**ISO 9001**” ва бошқа замонавий халқаро стандартларни хорижий бозорлардаги талаблардан келиб чиқиб экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарда жорий этиш орқали, экспортёр корхоналар қамровини тўлиқлигига эришиш.

Бунда,

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси корхоналарига халқаро стандартлар жорий этиш бўйича Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда семинар ва ўқув машғулотлари ўтказилади.

2. **Маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларини** хорижий мамлакатларга тўсиқсиз ва муаммосиз экспортини амалга ошириш мақсадида, маҳсулот етиштирувчиларга халқаро сертификат ва стандартларни (**Global G.A.P, Organic, НАССР** ва бошқалар) кенг жорий этиш.

Бунда, ҳокимликлар билан стандартларни **8 минг гектар** майдонда жорий этиш бўйича йиллик иш режалари тасдиқланади;

2022 йил давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи корхоналарига халқаро стандартлар жорий қилишда Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан семинар ва ўқув машғулотлари ўтказилади.

123-банд. Экспорт таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳажмини **1,5 баробар кўпайтириб**, Европа давлатларига **ДжиЭсПи+** тизими доирасида тайёр маҳсулотлар экспортини кенгайтириш.

Бунинг учун,

1. Мувофиқликни баҳолаш органлари халқаро **ILAC/IAF** ташкилотлари аъзоси ҳисобланган аккредитация идораси томонидан аккредитациядан ўтказиш билан боғлиқ харажатларини Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қоплаб бериш тизимини жорий этиш:

Бунда, 2022 йил апрелда халқаро **ILAC/IAF** ташкилотлари аъзоси ҳисобланган аккредитация идораларидан аккредитациядан ўтадиган миллий сертификатлаштириш идораларининг рўйхати шакллантирилади;

шакллантирилган рўйхат ўрнатилган тартибда Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги ва Экспортни рағбатлантириш агентилигига тақдим этилади.

2. **ISO, Global GAP, Organic** ва бошқа ривожланган давлатлар стандартлари жорий этилган экспортчи корхоналар сонини **1 000 тадан 1 300 тага** етказиш.

Бунда, 2022 йилда ISO, Global GAP, Organic ва бошқа ривожланган давлатлар стандартлари жорий этиш бўйича ҳудудларда экспортчи корхоналарга семинар ва ўқув машғулотлари ташкил этилади;

Вилоят, туманлар кесимида тизимли равишда халқаро стандартларни жорий этиш бўйича **“корхонабай”** амалий ёрдам кўрсатиб борилади.

3. **Электротехника саноати** маҳсулотлари учун **Европа Иттифоқи** давлатларида талаб этиладиган стандарт ва сертификатлар жорий этиш харажатларини чекловларсиз қоплаб бериш тизимини жорий этиш.

Бунда, электротехника саноати маҳсулотлари учун Европа Иттифоқи давлатларида талаб этиладиган стандарт ва сертификатлар жорий этиш бўйича **“корхонабай”** ишлаш тизими ташкил қилинади;

Агентлик тизимининг **127 та** малакали мутахассислари вилоят, туманлар кесимида биритирилиб, мониторинг ишлари йўлга қўйилади.

125-банд. “Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти” ғояси асосида **200 та** экспортчини очиқ танлов асосида саралаб, уларни етакчи экспортёrlарга айлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Бунда,

1. “Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юти” дастурини асосида белгиланган тартибда саралаб олинадиган **200 та** экспортчилар учун Ўзбекистоннинг хориждаги ваколатхоналари кўмагида ушбу давлатларда маҳсулотларга қўйиладиган сифат талаблари етказиб берилади;

2. Корхоналарнинг экспортбоп маҳсулот турларидан келиб чиқиб, юқори стандартларни жорий этиш ва халқаро сертификатлар олишда кўмаклашилади.

97-мақсад. *Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ва Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи билан интеграция жараёнларини чукурлаштириш.*

379-банд. Техник жиҳатдан тартибга солиш, санитария ва фитосанитария чоралари ва интеллектуал мулк ҳимояси соҳаларида миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларининг талабларига мувофиқлаштириш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқиши.

381-банд. Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи бозорига самарали киришини техник жиҳатдан тартибга солиш ва стандартлаштириш масалалари бўйича миллий сиёsatни Иттифоқ тажрибаси асосида янада такомиллаштириш.

Бунда, етакчи хорижий эксперктларни жалб қилган ҳолда миллий қонунчилик ўрганиб чиқилади;

тажрибани ўрганган ҳолда техник тартибга солиш соҳаси бўйича ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Шунингдек, **2022 йилда асосий вазифа** этиб испоҳотларни янада жадаллаштириш ва ўлчашлар натижаларининг халқаро даражада тан олинишига қаратилган қуйидаги тадбирлар белгиланди.

ЖСТга аъзо бўлиш бўйича Ишчи гурухнинг навбатдаги 5-иғилиши доирасида тайёрланган маълумотларни ҳимоя қилиш ва ЖСТга аъзо давлатлар билан икки ва кўптомонлама музокараларда соҳага оид масалалар **муҳокама ва ҳимоя қилинади.**

ЕОИИ доирасида янги **“Рақамли техник жиҳатдан тартибга солиш”** лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошланмоқда. Ушбу жараёнда кузатувчи сифатида лойиҳа бўйича маълумот

алмашинилади ва ўзимиз учун керакли **тайёргарлик ишлари олиб борилади.**

ЕОИИга аъзо давлатлар билан янги қабул қилинган “**Учинчи давлатлар билан техник тартибга солиш чораларини қўллаш тамойиллари**” тўғрисидаги **битим** нормалари муҳокама этилади ва ишлар ташкил қилинади.

13 та миллий техник қўмита қайта ташкил этиш чоралари кўрилиб, Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг (**ISO**) **32 та** техник қўмиталарига аъзолик таъминланади (шу жумладан **2-чоракда 6 та, апрель ойида 2 та**).

Маълумот учун: Бугунги кунда Халқаро стандартлаштириш ташкилотида (**ISO**) **255 та** стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар мавжуд бўлиб, Ўзбекистон республикаси **24 масига** кузатувчи сифатида аъзолик таъминлаган.

Халқаро электротехника комиссиясининг (**IEC**) **18 та** техник қўмиталарига аъзолик таъминланади (шу жумладан **2-чоракда 4 та, апрель ойида 1 та**).

Маълумот учун: Халқаро электротехника комиссиясида **110 та** стандартлаштириш бўйича техник қўмита мавжуд бўлиб, Ўзбекистон республикаси **13 масига** аъзолик таъминлаган.

Ислом мамлакатлари учун стандартлаштириш ва метрология институтининг (**SMIIC**) **2 та** техник қўмиталарига аъзо бўлинади.

Маълумот учун: Ислом мамлакатлари учун стандартлаштириш ва метрология институтида (**SMIIC**) мавжуд бўлган **17 та** стандартлаштириш бўйича техник қўмитаси мавжуд бўлиб, Ўзбекистон республикаси **12 масига** аъзолиги таъминланган.

Давлатлараро стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш кенгашининг (МГС) **16 та** техник қўмиталарига аъзолик таъминланади (шу жумладан **2-чоракда 3 та, апрель ойида 1 та**).

Маълумот учун: Давлатлараро стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш кенгashiда **164 та** техник қўмита мавжуд бўлиб, бугунда мазкур техник қўмиталарнинг **98 масига** аъзолик таъминланган.

Институтда **июнь** ойига қадар **2 та** “Стартегик ривожланиш ва инновацияларни жорий этиш бўлими” ва “Тадбиркорга

мувофиқликни баҳолашда услубий кўмак қўрсатиш бўлими” ташкил этилади.

Маълумот учун: Ўзбекистон стандартлар институти ҳамда Белорусь давлат стандартлаштириш ва сертификатлаштириш институти (**БелГИСС**) ва Турк Стандартлар Институтининг (**TSE**) стандартлаштириш соҳасидаги тажрибаси ўрганилди.

Натижада, **3 та бўлимнинг** оптималлаштириш, хизматларни рақамлаштириш, фаолият турининг тақорорланувчанлигини бартараф этиш мақсадида штат бирлиги амалдагига нисбатан **1,7 баробар камайиб**, маъмурий-бошқарув, маъмурий-хўжалик, ўқув-ёрдамчи ва **12 та бўлим** ҳамда тармоқлар билан ишловчи **8 та сектор** ташкил этилди, штат бирлиги **63 та** этиб белгиланди ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилди.

Институтнинг “Қайта тайёрлаш ва малака ошириш маркази”ни **Қорақалпогистон филиали** ташкил этилади.

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида **2 та** илмий тадқиқот ишлари олиб борилади.

Маълумот учун: “Стандартлаштириш назарияси”, “Метрология асослари”, “Назарий метрология”, “Ўлчашларнинг ноаниклиги”, “Замонавий сифат менежменти тизимлари”, “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида илмий изоҳли луғат” сингари адабиётлар яратилади; “Вакуум қадоқдаги янги сабзавотлар ва кўкат” Техник шартлар бўйича ISO стандарти ишлаб чиқилади.

Халқаро стандартларга асосан озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида **20 та**, электротехника соҳасида **12 та**, енгил саноат ва тўқимачилик соҳасида **10 та** синов методлари бўйича тернерлар тайёрланади. “Standart” илмий-техника журналининг электрон журнал шаклини яратилади.

Соҳада фаолият юритаётган илмий ходимларни тайёрлаш **11 нафар** *phd*, **2 нафар** фан доктори тайёрланади.

Маълумот учун:

2022 й. (1-босқич) **3 нафар** *phd* унвонида;

2023 й. (2-босқич) **5 нафар** *phd* унвонида;

2024 й. (3-босқич) **3 нафар** *phd* ва **2 нафар** фан доктори унвонида.

Инновацион ривожланиш вазирлигига **3 та грант** лойиҳаси топширилади.

Маълумот учун:

1-лоиҳча – **E-learning** масофаий таълим портали (**100 та** ўқув курси, **500 дан зиёд** видео дарс);

2-лойиҳа – соҳаси бўйича **7 та** назарий ва амалий адабиёт ҳамда **1 та** изоҳли луғат ишлаб чиқиш;

3-лойиҳа – стандартларни машина ўқийдиган форматга (**XML**) ўтказиш.

Соҳада кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни **янги тизим**да амалга оширишда Олий таълим вазирлигининг **16 та ОТМ** ва **филиаллари жалб қилинади**.

Техник жиҳатдан тартибга солиш ва мувофиқликни баҳолаш соҳасида фаолият юритаётган **2,5 мингдан зиёд** мутахассислар малакаси оширилади, хусусан:

анъанавийда – 800 нафар, сайёрда – 1200, масофавийда – 500.

Шунингдек, республика ҳудудлари бўйлаб фаолият юритаётган **2 минг та** тадбиркорлик субъектларининг **7 минг нафар** мутахассислар (шу жумладан **2-чоракда 1 500 нафар, апрель ойида 500 нафар**) малакаси оширилади (анъанавий – **2 минг**, сайёр – **3 минг**, масофавий – **2 минг**).

4 та давлатнинг нуфузли ташкилотларидан эксперталарни жалб этган ҳолда, ўқув курслари ташкил этилади.

Маълумот учун: Россия – 5 та курс, 5 нафар эксперт; Турция – 5 та курс, 5 нафар эксперт; Беларусь – 4 та курс, 3 нафар эксперт; Малайзия – 2 та курс, 2 нафар эксперт.

Соҳа ва саноат корхоналарининг **500 нафар** мутахассиси (шу жумладан **2-чоракда 1 50 нафар, апрель ойида 30 нафар**) хорижда малакалари оширади, хусусан:

Германиянинг:

GIZ (Германиянинг халқаро ҳамкорлик бўйича жамияти);

SES (Халқаро ҳамкорлик бўйича Германиянинг иқтисодий фонди);

“Альфа Консалтинг” ташкилотлари;

Белоруссиянинг:

БелГИМ (Белоруссия давлат метрология институти);

БГИПК (Белоруссия давлат стандартлаштириш, метрология ва сифат назорати бўйича малака ошириш ва қайта тайёрлаш институти);

БелГИСС (Белоруссия давлат стандартлаш ва сертификатлаш институти);

Туркиянинг:

TSE (Турк стандартлар институти);

“Turksert” (Туркия сертификатлаштириш идораси);

Россия Федерациясининг:

АСМС (Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш академияси);

МИПК (Москва нашриёт-полиграфия колледжи);

ИССиМ (Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш институти) ташкилотлари.

Иқтисодиёт тармоқлари (телекоммуникация, машинасозлик, нефтегаз, металлургия ва электротехника) ва саноат корхоналари томонидан чет элда калибрлаш хизматига сарфланадиган йилига ўртacha **1,2 млн долл** маблағни (**9 200 та ЎВ**) иқтисод қилиш мақсадида қўшимча **5 та эталон** (**28 тага етказилади**) харид қилинади.

Умумий қиймати **1,5 млн евро** бўлган **2 та** техник кўмак лойиҳалар амалга оширилади (**РТВ** – “Миллий сифат инфратузилмасидаги испоҳотларни қўллаб қувватлаш” ва **ATLAS International GmbH** – “Тезлик параметрларини ўлчаш маҳсус мобиль лаборатория яратиш”);

Халқаро сифат инфратузилмаси индекисида (**GQII**) Ўзбекистоннинг ўрнини ошириш (**81 урин**) мақсадида қўшимча **4 та** лабораториялар (узунлик, куч, физик-кимё, электр) халқаро аккредитациядан ўтказилади ва Халқаро тарози ва ўлчовлар бюроси (**BIPM**) базасида ўлчаш имкониятлари тўғрисидаги ёзувлар (**СМС-қаторлар**) киритилади.

Янги эталонлар ва лабораторияларни ташкил этиш учун майдони **2 600 м.кв** бўлган маҳсус инфратузилма яратилади ҳамда ҳудудий филиалларда **2 та** (**Қорақалпоғистон, Наманган**) замонавий бино қурилиши таъминланади, **448 та** юқори аниқлиқдаги ўлчаш воситалари билан жиҳозланиб (**15,4 млрд сўм**), логистика хизматига ихтисослашган **6 та** автотранспорт воситалари харид қилинади.

Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва минтақавий ташкилотларда Ўзбекистон нуфузини ошириш борасида Евро-Осиё давлат метрология муассасалари ҳамкорлиги (**КООМЕТ**) доирасида **4 та** техник қўмита йиғилишлари ўтказилиши режалаштирилган (**Тошкент, Бухоро ва Самарқанд**), қўшимча

7 та солишириш лойиҳаларида иштирок этилиб, шунингдек, **54 нафар** ходим халқаро миқёсда малакаси оширилади.

Ўзбекистон миллий метрология институти (*Тошкент шаҳри*) ҳамда ҳудудий филиалларнинг (*Бухоро, Қорақалпоғистон,*) инфратузилмаси такомиллаштирилди, шу жумладан **апрель** ойида логистика хизматини такомиллаштирилиб, **2 та** Volkswagen Caddy автотранспорт воситаси харид қилинади.

2-чорақда Олий таълим муассасалари билан метрология соҳасида ўзаро ҳамкорлик **шартномалари** (келишув, меморандум) **тузилади**, шунингдек, **апрель** ойида **3 нафар** метролог мутахассисларни Белоруссия миллий институтида малакаси оширилади.

6 та ўлчаш воситаси гурухи бўйича калибрлаш лабораторияларини **аккредитация доираси кенгайтирилди**, шунингдекк, **2 та** ҳудудий филиалда калибрлаш лабораторияси **ташкил этилади** ва **аккредитациядан ўтказилади**.

Июнь ойига қадар метрологик хизматлар кўрсатиш лабораториялари техник базасини модернизация қилиш мақсадида **4 та** юқори аниқликдаги ўлчаш воситалари **харид қилинади** ҳамда **10 та** этalonни молиялаштириш учун ҳужжатлар тўплами **вазирлик ва идораларга** киритилади.

Корея Республикаси технология ва стандартлаштириш агентлигининг **2,3 млн долл гранти** асосида **“Ҳаво кондиционери”** маҳсулотининг энергия самарадорлигини баҳолаш бўйича **лаборатория** ташкил этиш ишлари бошланади.

6 та синов лаборатория (озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, енгил саноат, қурилиш ва электротехника) **Туркиянинг TurkAK, Словакиянинг SNAS, Белоруссиянинг БГЦА** аккредитация ташкилотларида халқаро аккредитациядан ўтказилади.

Маҳсулотларни синаш, синов усувларини верификациялаш ва валидациялаш, ўлчашлар ноаниқлигини баҳолаш бўйича синов лабораторияларининг **80 нафар** ходимлари **Белоруссия, Туркия, Корея** ва **Хитой** давлатларида малака оширади.

Германиянинг **Федерал физика-техника институти** билан ҳодимлар малакасини ошириш, Франциянинг **Bureau Veritas** ташкилоти билан маҳсулотларни синаш бўйича **outsourcing** хизматларини ташкил этилади, шунингдек Уммон сultonлигининг **Atyab International Services** ташкилоти билан лабораторияларни халқаро аккредитациядан ўтказиш бўйича ҳамкорликда ишлар олиб борилади.

Умумий қиймати **15,3 млрд сўм** бўлган **237 та** синов ускунаси харид қилиниб, мавжуд лабораториялар модернизация қилинади.

Маълумот учун: озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги **1 676,4 млн сўм**, **23 та**, электротехника **4 287,8 млн сўм**, **80 та**, кимё-полимер **1 529,0 млн сўм**, **15 та**, қурилиш **2 817,1 млн сўм**, **39 та**, енгил саноат **1 283,7 млн сўм**, **20 та**, машинасозлик ва металл **3 724,6 млн сўм**, **60 та** ускуна харид қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан ажратиладиган **35 млрд сўм** маблағ ҳисобига электротехника ва электромаший маҳсулотларнинг хавфсизлик кўрсаткичлари ва энергия самарадорлигини баҳолаш бўйича замонавий лаборатория ташкил этилади.

Тошкент шаҳрида **металл маҳсулотлари**ни синаш **лабораториясин**нинг **янги биноси** ташкил этилади (**қиймати 3,5 млрд сўм**).

Синов лабораториялар дунёning **етакчи провайдерлари** иштирокида халқаро **малакани синаш** (**солиширув**) синовларида иштирок этилади.

2 та **электротехника** ва **енгил саноат** сертификатлаштириш органи **халқаро** даражада **аккредитациядан** ўтказилади.

Жорий йил **2-чоракда** Россия, Белоруссия, Туркия каби етакчи хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганилиб, маҳсулотлар синовига оид **500 та** халқаро синов усуслари ўзлаштирилади (**шундан апрелда 150 та** халқаро усул).

1 000 гектар ер майдонида “**Глобал ГАП**” ва “**Органик**” стандартларини жорий этилади (**шундан апрелда 300 гектар**).

Тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи **10 та** корхонада “Оеко-Текс” стандарт асосида сертификатланади (шундан апрелда **3 та** корхона).

2022 йилда режага мувофиқ **14 минг та** (2-чоракда **3 800 та**, шунингдек, **апрель ойида 1 300 та**) тадбиркорлик субъектларида соҳага оид услубий ва амалий кўмак кўрсатишга қаратилган **профилактика** ишлари амалга оширилади.

Худудлар кесимида: Қорақалпоғистон Республикаси – **900 та**, Андижон вилояти – **900 та**, Бухоро – **1 000 та**, Жиззах – **900 та**, Қашқадарё – **1 100 та**, Навоий – **1 000 та**, Наманган – **1 100 та**, Самарқанд – **1 000 та**, Сурхондарё – **1 000 та**, Сирдарё – **900 та**, Тошкент – **1 200 та**, Фарғона – **950 та**, Хоразм – **900 та**, Тошкент ш. – **1 150 та**.

Соҳалар кесимида: Озиқ-овқат – **5 000 та**, енгил саноат – **1 200 та**, курилиш – **3 500 та**, мева-сабзавот – **800 та**, кимё саноати – **300 та**, машинасозлик – **200 та**, электротехника – **200 та**, бошқа – **2 800 та**.

Шунингдек, **3 минг та** (2-чоракда **500 та**) экспортёр корхонага соҳага оид масалаларда кўмак берилади. Бунда, экспортёрлар **техник регламентлар** ва **халқаро стандартлар** билан таъминланади, ишлаб чиқаришда **маҳсулот** сифати яхшилашга кўмаклашилади, халқаро **сертификатлар** расмийлаштиришга амалий ёрдам кўрсатилади.

2022 йилда **350 та** корхонада **600 тур** маҳсулотлар сифати бўйича давлат назорати ўтказилади (**140 та** озиқ-овқат, **70 та** курилиш, **60 та** металлургия, **30 та** енгил саноат, **30 та** электротехника, **20 та** бошқа соҳалар).

50 турдаги 2 млрд долларлик маҳсулот таҳлил қилинади ва **250 та** импортёр танланади. Шундан хавф таҳлили асосида **150 та** импортёрда давлат назорати ўтказилади. **30 та** савдо растасида, **25 та** сертификатлаш органида, **5 та** синов лабораториясида давлат назорати ўтказилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда **300 та** тадбирлар ўтказилиб, ички бозор назоратида аниқланган сифатсиз маҳсулотлар импортига тақиқ қўйилади. Хорижда сифатсиз деб топилган **2 000 та** маҳсулот импорти тақиқланади.

Россия **400 та** (Росконтроль “чёрный список”), Белоруссия **500 та** (Госстандарт “чёрный список”), **400 та** Европа Иттифоқи (RAPEX).